“Autosanoat Agro Lizing” МЧЖда 2026 йил 1 чорак учун коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида

ҲИСОБОТ

I. Комплаенс тузилмаси

“UzAuto Commercial Vehicles Management” МЧЖ ягона иштирокчи (Ўзавтосаноат АЖ)сининг 2025 йил 16 сентябрдаги 16-сонли ҳамда “Autosanoat Agro Lizing” МЧЖнинг 2022 йил 03 октябрдаги 17и/ч-сонли буйруғига асосан ташкил этилган. Жамиятнинг 2023 йил 04 октябрдаги 31и/ч-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Комплаенс хизмати тўғрисида”ги Низомга биноан комплаенс хизмати жамиятнинг таркибий тармоғи ҳисобланиб, бевосита Ўзавтосаноат” АЖнинг Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш Департаментига ҳисобот беради.

Жамият буйруғи билан тасдиқланган штат жадвалига биноан бир нафар штат бирлиги - комплаенс хизмати бўйича бош мутахасис белгиланган.

Низомга биноан, комплаенс хизмати Жамият фаолиятида ҳуқуқбузарликлар, коррупция ва иқтисодий талон-торожликларни содир этилиши, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, коррупцияга ва монополияга қарши курашиш бўйича фаолиятни таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирларни белгилайди ҳамда ҳамкорлар билан тузилган келишувларда комплаенсга оид талабларини ижро этилишини таъминлайди.

Шунингдек, молия ва иқтисодий соҳа, харид тизими, фаолият самарадорлиги, кадрлар сиёсати, маркетинг соҳаси, комплаенсга оид талаблар ҳамда жамият фаолиятига доир бошқа йўналишлар бўйича профилактик тадбирлар, мониторинг ва ўрганишлар амалга оширишдан иборат.

II. Сиёсат ва тартиб таомиллар (ички ҳужжатлар) бўйича.

Жамиятда 04.10.2023 йилдаги 31и/ч-сонли буйруқ билан тасдиқланган жами 22 та комплаенсга оид сиёсат ва тартиб-таомиллар мавжуд.

Шунингдек, жамиятнинг 29.12.2023 йилдаги 55 и/ч-сонли буйруғи билан харид йўналиши бўйича “Товарлар(иш ва хизматлар)ни харид қилиш тўғрисида”ги Низоми тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг 05.06.2024 йилда қабул қилинган ЎРҚ-931-сонли (06.12.2024 йилда кучга кирган) “Ўзбекистон Республикасининг

“Манфаатлар тўғрисида”ги Қонуни ҳамда амалиётда бизнес хамкорларни текшириш, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш, хизмат текширувини амалга ошириш ва ишга қабул қилинаётган номзодларни комплекс текшириш жараёнларини тўлароқ амалга ошириш мақсадида комплаенс назоратига оид бир қатор мавжуд ҳужжатларга Жамиятнинг 2025 йил 12 декабрдаги 054 и/ч-сонли буйруғига биноан тегишли ўзгартиришлар киритилган. Жумладан:

- “Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсати” ва уни амалга ошириш тартиби;
- “Совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари бўйича сиёсати” ва уни қўллаш тартиби;
- “Хайрия ва тижорат ҳомийлиги бўйича сиёсати” ҳамда уни амалга ошириш тартиби;
- “Бизнес ҳамкор ва учинчи томонларни комплекс текшириш сиёсати” ҳамда уни қўллаш тартиби;
- “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти”;
- “Хизмат текшируви ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низоми;
- “Ишга қабул қилинаётган номзодларни комплекс текшириш бўйича йўриқнома”.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш

“Autosanoat Agro Lizing” МЧЖ томонидан коррупциявий хавф-хатарлар Маркетинг (лизингга бериш учун техника хариди) ва мониторинг бўлимлари, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими, Молия бўлими, Ахборот-коммуникация технологиялари ва ташкилий масалалар бўлими (хўжалик эҳтиёжлари учун зарур предметлар харид вазифаси юклатилган), Ходимлар ва иш юритиш бўйича мутахассис бўйича таҳлил қилинган бўлиб, коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати ва коррупцияга қарши кураш дастури жамият сайтига юкланган.

Жами баҳоланган жараёнлар сони 103 та.

Аниқланган хавфлар: юқори (0), ўрта (13 та) ва паст (90 та) ни ташкил этган. Ўрта хавфли жараёнлар:

Ахборот-коммуникация технологиялари ва ташкилий масалалар бўлими томонидан:

Етказиб берувчини асоссиз танлаш, нархларни сунъий ошириш, кераксиз ёки ортиқча маҳсулотларни харид қилиш, ишга яроқли жиҳозларни асоссиз ҳисобдан чиқариш, сифатсиз сақлаш натижасида жиҳозларни атайлаб яроқсиз ҳолга келтириш;

Харажатларни сунъий ошириб кўрсатиш, кераксиз ёки ортиқча харидларни режалаштириш, маблағларни мақсадсиз ёки самарасиз ишлатиш, паст сифатли маҳсулот ва манфаатдор пудратчиларни танлаш, амалда бажарилмаган ишларни қабул қилиб олиш, қиммат ва аммо сифатсиз материаллар харид қилиш;

Автомобилдан шахсий мақсадларда фойдаланиш, ёқилғи сарфини сунъий ошириб кўрсатиш ёки ёқилғини ўзлаштириш, амалда бажарилмаган таъмир ишлари учун маблағ ажратиш, нархларни сунъий ошириш ёки сифатсиз эҳтиёт қисмлар харид қилиш, автомобил ҳолатини нотўғри кўрсатиш ёки яшириш, автомобилларни айрим шахсларга асоссиз бириктириш ва белгиланган йўналишдан ташқарида фойдаланиш.

Молия бўлими томонидан мафаат эвазига:

Жараёнларни бажарилишини кечиктириш назоратсиз қолишига йўл қўйиш, буюртманомаларни тақдим этиш муддатларини кечиктириш;

Қарз шартномаси шартларини ўзгартириш ва қайтариш жадвалларини тузишда хатоликларга йўл қўйиш;

Жараёнларни бажарилишини кечиктириб хисоб - китобларда қасддан хатоликларга йўл қўйилиш;

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими томонидан манфаат эвазига:

Жараёнларни назоратсиз қолишига йўл қўйиш, бухгалтерияга оид қоидаларни қўлламаслик ёки ижро қилмаслик;

Жараёнларни назоратсиз қолишига йўл қўйиш, ўрганиш жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни яшириш;

Маркетинг бўлими томонидан манфаат эвазига:

Жараёнларни назоратсиз қолишига йўл қўйиш;

Айрим ишлаб чиқарувчиларнинг техникалари реклама қилинмаслиги ва талаб ўрганилмаслиги;

Техникани қисман лизинг даврига ёки умуман суғурта қилмасдан расмийлаштириш;

Завод назорат бўлимидан ўтмаган техникаларни олиб чиқиб кетиш.

Мониторинг бўлими томонидан манфаат эвазига жараёнларни назоратсиз қолишига йўл қўйиш;

Ходимлар ва иш юритиш бўйича мутахассис томонидан:

Шаффофлик, холислик ва қонунийликка риоя қилинмаслиги оқибатида шахсий манфаатларни илгари суриш хавфи;

Манфаат эвазига жараёнларнинг назоратсиз қолишига йўл қўйиш.

Жамият ходимларини ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этишларини назорат қилиш жараёнида содир этилган қоидабузарликларни яшириш,

Камайтириш тадбирлари ижроси: “Autosanoat Agro Lizing” МЧЖ бош директори томонидан 2026 йилга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш дастури (10 та банддан иборат) тасдиқланган. Мазкур дастурда белгиланган амалга ошириш механизмлари ва уларни ижросини таъинлаш учун масъул ходимлар бириктирилган.

Баҳолаш натижасида аниқланган ўрта хавфли жараёнларни амалга оширилишида хавфларни камайтириш мақсадида жамият томонидан тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги ички ҳужжатлар бўйича 2026 йил 1 чорак давомида жамият ходимларини ўқитиш ишлари олиб борилди.

2025 йилга нибатан солиштириш:

Жамият томонидан тасдиқланган коррупциявий хавф-хатарлар харитасига биноан 2025 йилда баҳоланган жараёнлар сони 29 тани ташкил қилгани ҳолда, 2026 йил учун баҳолаш усули (*хавфларга балл берилиши орқали аниқланган*) ўзгартирилиб жами 103 та жараён 2025 йилга нисбатан 74 тага кўп баҳоланган. Шундан:

Юқори хавфлар - 2025 йил ва 2026 йилларда аниқланмаган.

Ўрта хавфлар - 2025 йилда 8 тани ташкил қилган бўлса, 2026 йилда ўрта хавфлар 13 тани ташкил қилган ва 2025 йилга нисбатан 5 тага кўп.

Паст хавфлар деб баҳоланган жараёнлар 2025 йилда 21 тани ташкил қилган бўлиб, 2026 йилда 90 тани ташкил этган.

Жамият томонидан тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги ички ҳужжатлар билан жамият ходимларига 2025 йилда ҳар чоракда 1 марта жами 4 марта амалга оширилган бўлиб, жамият томонидан 2026 йил учун тасдиқланган ўқиш режасига биноан 3 марта махсус ўқиш ҳамда 7 марта умумий ўқишлар ўтказилиши кўзда тутилган.

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар:

1. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

Жамиятда 2026 йил бошида 31 нафар ходим бўлиб, барча ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви декларациялари тўлдириб топширилган.

Ушбу декларациялар ўрганиб чиқилиши натижасида эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмади.

Жамиятга 2026 йил 1 чораги давомида жами 5 нафар ходим ишга қабул қилинган. Мазкур номзодлар томонидан лавозимга қабул қилишдан олдин манфаатлар тўқнашуви деклерациялари тўлдирилди ва ушбу тўлдирилиб тақдим этилган манфаатлар тўқнашуви декларациялари бўйича амалга оширилган ўрганишлар натижасида манфаатлар тўқнашуви ҳолати аниқланмади.

2. Коррупцияга қарши қоидаларни ташкилот шартномаларига киритиш:

“Autosanoat Agro Lizing” МЧЖ томонидан 2026 йил 1 чорак давомида кластерлар ва фермер хўжаликларига лизинг асосида етказиб бериш учун (тўғридан - тўғри) шартномалар тузилмаган.

Жамият томонидан шу давр давомида электрон дўкон орқали (xt-xarid.uz портали) жами 16 та умумий қиймати 90 427 085 сўмлик шартнома тузилган.

Электрон дўкон орқали бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказилган харидлар бўйича тузилган барча шартномаларда тўлиқ коррупцияга қарши шартлари киритлган.

Ҳисобот йили давомида контрагентлар томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномалар бекор қилинган ҳолатлар бўлмаган.

Контрагентларни текшириш

"Ўзавтосаноат" АЖ бошқарувининг 27.09.2021 йилдаги 13-01-10-33 сонли мажлис баённомасига асосан, “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг таркибий корхоналари томонидан ҳукуматнинг тегишли топшириқларидан келиб чиққан ҳолда қишлок хўжалиги машинасозлиги корхоналарида ишлаб чиқаришни кайта тиклаш ҳамда корхоналарнинг оғир молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси истеъмолчиларининг молиявий имкониятлари чекланган-лигини инобатга олиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан техника харидини молиялаштириш фаолиятини самарали амалга ошириш учун “Autosanoat Agro Lizing” масъулияти чекланган жамият ташкил этилган.

Ҳисобот даврида кластерлар ва фермер хўжаликларига лизинг асосида етказиб бериш учун (тўғридан - тўғри) техника харид қилиш борасида шартномалар тузилмаганлиги сабабли, конрагентлар бўйича текширишлар ўтказилмаган.

“Autosanoat Agro Lizing” МЧЖ ва унинг жойлардаги минтақавий филиаллари эҳтиёжлар учун 2026 йил 1 чораги давомида зарур бўлган харажатларни (канцелярия товарлари, хизмат машиналари учун эҳтиёт қисмлар ва хўжалик моллари) амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунинига биноан электрон дўконлар орқали шартномалар тузилган.

Ишга қабул қилиш учун номзодларни текшириш

“Autosanoat Agro Lizing” МЧЖга 2026 йил 1 чораги давомида ишга қабул қилиш учун жами 18 та номзодлар томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим қилинган бўлиб, шундан жамиятнинг ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассиси ҳамда комплаенс хизмати бўйича бош мутахассиси томонидан ўтказилган текширувлар натижаси ва жамият комиссияси томонидан ишга қабул қилиш учун номзод билан ўтказилган суҳбат натижасида тузилган баённомалар бўйича жами 5 та номзодлар бўйича ижобий хулосалар берилган.

Ижобий хулосалар берилган ва ҳисобот даврида жамиятга ишга қабул қилинган ушбу ходимлар билан коррупцияга қарши шартлар киритилгани ҳолда меҳнат шартномалари тузилган.

2025 йилнинг 1 чорагида 2 нафар номзодлар текширилган бўлса, 2026 йилнинг 1 чорагида 18 нафар иштирок этган номзодлар текширилди.

V. Ўқитиш ва коммуникация

1. Ўқитиш режаси таҳлили:

Жамиятда 2026 йилга тасдиқланган умумий ўқитиш режасига биноан 1 чорак давомида жамият томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги 2 та сиёсат ва 1 та услубиёт бўйича ўқитиш ишлари белгиланган бўлиб, ҳисобот даври давомида ўқиш ишлари тўлиқ амалга оширилди ва ўтказилган ўқиш якунлари бўйича баённомалар ва ўқув варақлари расмийлаштирилди.

Жумладан: 2026 йил 1 чорак давомида “Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсати”, “Бизнес ҳамкор ва учинчи томонларни комплекс текшириш сиёсати” ва “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти” бўйича ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассиси ҳамда комплаенс хизмати мутахассиси билан биргаликда ўқишлар ўтказилди.

3. Коммуникация ва тарғибот:

“Autosanoat Agro Lizing” МЧЖ томонидан тарғибот ишлари 2026 йилнинг II чорагига қолдирилди.

Тарғибот ишлари, 2025 йил 1 чорагида бир марта радио орқали бажарилган бўлиб, 2026 йил I чорагида амалга ошириш имкони бўлмаганлиги сабабли II чоракда амалга оширилиши режалаштирилди.

VI. Коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар

1. “Autosanoat agro Lizing" МЧЖда жами 5 та алоқа каналлари мавжуд бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1	instagram: avtosanoat_agro_lizing	инстаграмм
2	E-mail: info@aaleasing.uz	инфо
3	https://t.me/autosanoatagrolizing_bot	телеграмм
4	https://aaleasing.uz/	расмий сайт
5	+99 893 558 -64 -61	ишоч телефони

2. Жамиятнинг алоқа каналлари орқали 2026 йил 1 чораги давомида Коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумот ва хабарлар келиб тушмаган.

“Autosanoat agro Lizing" МЧЖга келган хужжатларни қайд қилиш дафтаридаги маълумотларга биноан 2026 йил январ ойида 48 та ва феврал ойида 61 та ва март ойининг 25 кунига қадар 49 жами 158 та мурожаатлар келиб тушган.

Ушбу мурожаатлар жамиятдаги мурожаатлар билан ишлашга масъул ходим томонидан жамият раҳбариятига тақдим этилган ва жамият мутахассислари томонидан тегишли тартибда кўриб чиқилган.

VII. Мониторинг ва назорат

Жамиятда 2026 йилнинг 1 чораги давомида комплаенс ёки давлат органлари ташаббуси билан **тадбирлар** ўтказилмаган.

“Autosanoat Agro Lizing” МЧЖнинг мониторинг бўлими ва минтақавий филиаллар ходимлари томонидан, қишлоқ хўжалиги корхоналари, кластерлар ва фермер хўжаликларига лизинг асосида етказиб берилган жами 1130 дона қишлоқ хўжалиги техникаларини сақланиш ҳолатлари ва улардан амалда фойдаланилиши юзасидан мониторинг ўтказилиб , мониторинг натижаси бўйича расмийлаштирилган ва жамиятнинг мониторинг бўлимига топширилган ҳужжатлар (далолатнома, суръатлари ва бошқалар) тўпламлари 2026 йил январ ойи давомида ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида жами 84 та техникаларга рамийлаштирилган далолатномаларда жамият логотипи мавжуд эмаслиги қайд қилинганлиги маълум бўлди ва ушбу техникалар лизинг олувчиларига тез муддатларда жамият логотиплари етказиб берилиши таъминланди.

“Autosanoat Agro Lizing” МЧЖда коррупцияга қарши тартиб-тамойилларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш режасига биноан жамиятнинг молия бўлими ва минтақавий филиаллар ходимлари томонидан, қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқарувчи кластерлар ва фермер хўжаликларига лизинг асосида етказиб берилган қишлоқ хўжалиги техникаларига 2025 йил IV чорагида ҳисобланган лизинг тўловларини

ундирилиши 2026 йил январ ойида ҳамда 2026 йил I чорагида ҳисобланган лизинг тўловларини ундирилиши 2026 йил 1 апрелда ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар натижасида лизинг тўловлари бўйича қарздорликларнинг муддати ўтган ҳолатлари аниқланмади.

Жамият ҳисобхонаси томонидан 2026 йилнинг 1 чораги давомида ҳисоб рақамларидан амалга оширилган тўловлар бўйича тегишли конунчилик ва жамият стандартларига риоя қилиниши танлов асосида ўрганилди.

Тўловлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштирилишини амалга ошириш, ваколатларни тақсимланиши, навбатларга амал қилиниши, актуаллик ва кетма-кетлик белгиланиши Марказий Банкнинг "Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисида"ги йўрикномаси талаблари асосида банкларда очилган ҳисоб рақамлари орқали, тегишли ҳужжатлар асосида амалга оширилган.

Жамиятнинг Ипотекабанк Мехнат филиалида очилган ҳисоб раками орқали 2026 йил 5 январдан 24 март кунига қадар жами 28 258,1 млн сўмлик ва Агробанкнинг Тошкет шахар филиалида очилган ҳисоб рақами орқали жами 18 357,9 млн сўмлик тўловлар ўрганилганда юқорида қайд қилинган тартибларга зид равишда тўловлар амалга оширилганлиги ҳолатлари кузатилмади.

Ўрганилаётган даврда нақд пул тўловлари амалга оширилмаган.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Жамиятда хизмат текширувлари ўтказиш ҳолатлари юзага келмаганлиги ҳамда алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳолатлар ҳамда бошқа қоида бузарликлар бўйича хабарлар келиб тушмаганлиги сабабли, хизмат текширувлари ўтказилмаган.

Хизмат текширувлари ўтказилмаганлиги сабабли, таъсир чоралари қўлланилган ҳолатлар мавжуд эмас ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга материаллар юборилмади.

IX. Хулосалар

Хавфларни умумий таҳлили:

Жамият томонидан 2026 йил учун коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилган ҳамда коррупция хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилган ва коррупцияга қарши курашиш дастури ишлаб чиқилиб жамият бош директори томонидан тасдиқланган.

Коррупциявий хавф-хатарлар харитасида қайд қилинган хавфларни камайтириш борасида, 2026 йил 1 чорак давомида барча ходимларни жамиятда қабул қилинган ички ҳужжатлар асосида ўқитиш ишлари амалга оширилди.

Шунинг билан бир қаторда, коррупцияга қарши курашиш дастурининг бажарилиши юзасидан доимий назорат юритилмоқда.

Комплаенс хизмати томонидан ўз вазифасини бажариш борасида, коррупцияга қарши кураш қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, жамият томонидан қабул қилинган ички идоравий ҳужжатларга амал қилиб келинмоқда.

X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Жамият томонидан 2026 йил 1 чорак давомида амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари ва амалиётдан келиб чиққан ҳолда, 2026 йил давомида қуйидаги устувор таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

-Молия ва иқтисодий соҳада хавфларни олдини олиш мақсадида харажатларни амалга ошириш жараёнида параллел равишда олиб борилаётган назоратни давом эттириш.

-Жамият ходимларини “Каскад” усули таълим жараёнини махсус онлайн (ёки ички электрон) “Модул” платформа асосида ўқитишни, тренинг ва семинарларни ташкил этиш ҳамда профилактика тадбирларини амалга оширилишини давм эттириш.

-Жамиятда 2026 йил учун баҳолаш жараёнларида аниқланган 13 та ўрта даражадаги хавфларни келгусида паст даражага тушириш мақсадида қуйидаги устувор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

-Комплаенсга оид сиёсатлар ҳукумат қарорлари талабларига мувофиқ хамда халқаро стандартлар, энг яхши амалиётлар ва маҳаллий қонунчилик талабларига мослаштириш орқали такомиллаштириш.

-Хавфи юқори соҳаларда ички аудит ўтказиш ва тезкор тузатиш чораларини кўриш.

- Жамиятга фаолиятига ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларини тўлиқ жорий этиш, унинг ижросини таъминлаш ва бошқалардан иборат.

Комплаенс хизмати бўйича
бош мутахассис **У.Султанбоев**